

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 18 март, № 56 (4719)

Чоршанба

ЭНЕРГЕТИКА ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, маънавий хизмат кўрсатиш каби иқтисодийнинг кўплаб тармоқлари ривожига бевосита энергетика тизимининг истиқболлиги боғлиқ. Шу боис истиқлол йилларида Президент Ислам Каримов раҳбарлигида ушбу тизимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, мавжуд электр станциялари модернизация қилиниб, янги қувватлар ишга тушириляпти. Бу республикамиз аҳолиси ва иқтисодиёт тармоқларини узлуksиз электр энергияси билан таъминлаш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Айтиш жоизки, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси тизимда ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш дастури асосида техник ва технологик янгилаш ишлари ишлаб чиқариш корхоналари билан бир қаторда хизмат кўрсатиш субъектларида ҳам изчил олиб борилаётгани, истеъмолчилар электрон ҳисоблагичлар билан таъминланаётгани ўзининг ижобий натижаларини берапти. Қувонарлиси, модернизациялаш жараёнида нафақат хорижда, балки ўзимизда ишлаб чиқарилган ускуна ва материаллардан кенг қўламда фойдаланилмоқда. Чунки Маҳаллайлаштириш дастурига мувофиқ, кейинги йилларда кўплаб турдаги



(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди, унда шу йил 27 мартда ўтказиш мўлжалланаётган Олий Мажлиси Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисига тайёргарлик жараёни кўриб чиқилди.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамага Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурий сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулиги тўғрисида масалани ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бир қанча қонуналири киритиш режалаштирилмоқда.

Улар орасида жумладан «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»-ги, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонунлар бор. «Стандартиштириш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»-ги, «Почта алоқиси тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги, «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»-ги, «Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомига ўзгаришлар киритиш ҳақида»-ги ва бошқа бир қанча қонунлар ҳам кўриб чиқилди.

Шу билан бирга Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси адилия вазирининг 2008 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборотини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқиш ҳамда муҳокама қилиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқиш ҳамда муҳокама қилиш мўлжалланган масалаларни ўрганиш юзасидан марказда ва жойларда олиб борилаётган тайёргарлик ишларига оид ахборотлари кўриб чиқилди.

Кенгаш мажлисида сенаторлар, манфаатдор идора ва ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

Бир рақам шарҳи

Ҳар хонадонга — тоза ичимлик суви

2009 йил февраль — ноябрь ойларида мамлакатимизнинг қишлоқ аҳоли пунктларида умумий узунлиги 1836 километрдан иборат сув ўтказгич ва водопровод тармоқлари қурилади.

Бу объектларнинг ишга туширилиши натижасида қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси янада яхшиланади.

KSA-2:

«СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ БАҲҚАРОРЛИК — ЎЗБЕКISTON ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ»

Саудия Арабистонининг инглиз тилидаги KSA-2 давлат телеканали ўзининг «Economic Horizons» деб номланган кўрсатувининг навбатдаги сонини Ўзбекистонга бағишлади. Айтиш жоизки, ушбу дастур Форс кўрғазида жойлашган араб мамлакатлари давлат ва ишбилармон доиралари орасида, айниқса, оммабол.

Этиборлиси, шу пайтга қадар «Economic Horizons»да асосан АКШ, Япония, Европа Иттифоқи давлатлари ҳамда Австралия каби ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳақида хикоя қилинган. Ўзбекистон эса ривожланаётган давлатлар ҳамда МДҲ мамлакатлари орасида ушбу нуфузли дастурнинг асосий мавзусига айланган биринчи мамлакат бўлди.

Юртимизга бағишланган кўрсатувда саудиялик таниқли иқтисодий шарҳловчи Аҳмад Салим ал-Тухайини, кўзга кўринган молиявий-иқтисодий таҳлилчи, доктор Абдулқодир ал-Ҳабибулла, шунингдек, мамлакатимизнинг Саудия Арабистонидagi элчиси А. Қодиров иштирок этди.

Бир соат давомида томошабинлар этиборига икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг тарихи ва бугунги аҳоли, Ўзбекистон — Саудия алоқалари истиқболлари, турли даражада амалга оширилган ўзаро ташрифлар, савдо-иқтисодий алоқалар ривожига, сармоявий ҳамкорликка бағишланган қизиқарли маълумотлар ҳавола этилди. Ўзбекистоннинг 2008 йилдаги иқтисодий ривожланиши ақунлари, мамлакатимизда жа

Арабистони подшоҳлиги Марказий Осиё мамлакатлари, айниқса, Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратади. Ар-Риёд Тошкент билан ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги алоқалар қўламини кенгайтиришдан манфаатдор.

Тахлилчи, шунингдек, айни пайтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёни подшоҳлик тadbirkor ва инвесторларида катта қизиқиш уйғотаётганини қайд этди. «Сийсий барқарорлик, ўзбекистонлик ҳамкорларнинг хайрихоҳлиги, хорижий тadbirkorлар учун яратилган қўлай имкониятлар — саудиялик бизнесменларнинг Ўзбекистонга тобора кўпроқ жалб этаётган омиллардир», деди таҳлилчи.

Бундан ташқари, доктор А. Ҳабибуллин фикрича, Ўзбекистоннинг жўрғофий ва геосийсий жойлашуви мамлакатимизнинг дунё бозорига махсулотлар ва энергетик ресурслар етказиб бериш йўлидаги муҳим марказлардан бирига айланиши учун имконият яратди.

Кўрсатув доирасида «Узинфонинвест» агентлиги томонидан тайёрланган Ўзбекистоннинг сармоявий имкониятлари ҳамда мамлакатимизда яратилган қўлай бизнес муҳити ҳақида хикоя қилувчи «Invest to Uzbekistan» хўжалик фильми намойиш этилди.

«Жаҳон» АА. Ар-Риёд.

Дунё нигоҳи

Йили деб эълон қилиниши мавзуларига алоҳида эътибор қаратилди.

Кўрсатув давомида доктор Абдулқодир ал-Ҳабибулла Ўзбекистон — Саудия Арабистони муносабатларининг ривожланиш истиқболлари тўғрисидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Сийсий ва иқтисодий барқарорлик, саудиялик экспертнинг фикрича, Ўзбекистон тараққиётининг энг муҳим омилларидир. «Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг биз мамлакат ўз ҳаётининг барча жабҳаларида сезиларли юксалишга эришаётганини мамнуният билан кузатмоқдамиз, — деди эксперт. — Бунга, хусусан, тadbirkorлик фаолияти учун яратилган қўлай муҳит, хорижий инвестицияларни қабул қилишга тайёрлик яққол мисол бўлади. Саудия

Салмоқ ҳам, самара ҳам ошмоқда

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар туфайли бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектлари сифат жиҳатдан янги босқичга чиқди. Бунинг, айниқса, шу кунларда Президент соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг вилоят босқичлари ақунлари мисолида яққол кўришимиз мумкин. Зеро, ушбу танлов иштирокчилари доираси йил сайин кенгайиб, улар томонидан тақдим этилаётган махсулотлар сифати ва салмоғи ортиб бораётгани шундай дейишимизга асос бўлади.

Жиззах

Вилоят мусикали драма театрида ташкил этилган ушбу танлов қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат, енгил саноат ҳамда хунармандчилик махсулотлари намойишига айланаб кетди. Кўрғазмага туман ва шаҳар босқичларида юқори натижаларни қўлга киритган 50 га яқин фермер, тadbirkor ҳамда хунарманд ўз махсулотларини қўйди.

Таъкидлаш жоизки, вилотда айни пайтда фаолият юритаётган 1911 та тadbirkorлик субъекти томонидан тайёрланаётган махсулот улуши ялпи худудий ишлаб чиқаришда 72,3 фоизга етди ва бу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб бораёпти. Кўрик-танлов ақунига кўра, Жиззах шаҳридаги «Замонавий полимер кувер» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Файрат Сайдиев «Энг яхши тadbirkor», Дўстлик туманидаги «Уста Сафар» фермер хўжалиги

этилган сара махсулотлар эса иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Шунинг таъкидлаш керакки, айни дамда ушбу соҳа вакиллари иқтисодиётнинг таянч қучига айлана бормоқда.

«Ташаббус — 2009»

Бунинг билан вилотда «Энг яхши тadbirkor» сифатида Риштондаги «Симах F-Z» фирмаси раҳбари Суҳроб Исмаилов эътироф этилган бўлса, «Энг яхши фермер» йўналишида қувасойлик «Зафар Манзаров» фермер хўжалиги раҳбари Зафар Манзаров

янда тadbirkorлик субъектларининг худудий ички махсулотдаги улуши 55 фоиздан ортганлиги ҳам кўрсатиб турибди.

Яқунда вилотда «Энг яхши тadbirkor» сифатида Риштондаги «Симах F-Z» фирмаси раҳбари Суҳроб Исмаилов эътироф этилган бўлса, «Энг яхши фермер» йўналишида қувасойлик «Зафар Манзаров» фермер хўжалиги раҳбари Зафар Манзаров

МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Бахтли ёшлар даргоҳи

Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамоллигида таълим тизимида улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Янги мактаблар, лицей ва коллежлар замонавий меъморий ечимлар асосида бунёд этилди.

Ҳар бири муқташам қошадек савлат тўкиб турган таълим даргоҳлари хоҳ у шаҳарда, хоҳ чекка қишлоқда жойлашган бўлсин, истиқболимиз эгаларининг севимли масканига айланиб улгурди, илму адаб, соғлом ва умидли ҳаётнинг чаргон гушалари сифатида кадр-қиммат тоғди.

Чунончи, кун кеча пойтахтимизда 1500 ўринга мўлжалланган таълим муассасаси — Тошкент темир йўл касб-хунар коллежи янги биносининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда темирйўлчилик касбига мөҳр қўйган минглаб навқирон ўғил-қизлар дилларда қувонч билан иштирок этдилар.

— Коллежимизга кирсангиз завқингиз ошади, — дейди «Локомотив» гуруҳи ўқувчиси, бўлажак машинист ёрданчиси Ислам Олломурад. — Ўқув хоналари кенг, ёруғ, ўқувчилар учун барча шароитлар мавжуд. Спорт зали керакли жиҳозлар билан таъминланган. Устaxonаларимизда тепловоз двигателлари, филдирақлар, электр пайвандлаш дастгоҳлари, поезд макетлари, эҳче, ҳамма нарса бор.

(Давоми 2-бетда).

Мақсад — инвестиция киритиш

Унда беш юзга яқин тadbirkor ишлаб чиқаришни ташкил этишга йўналтирилган лойиҳалари билан иштирок этди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Европа Тикланиш ва тараққиёт банкнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, «Узашлизи» ҳамда бир қатор хорижий компанияларнинг мутасаддилари қатнашдилар.

Ийгилишда кредит, лизинг, сугурта ва инвестиция киритиш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишга йўналтирилган бир қатор лойиҳалар муҳокама қилинди. Айни пайтда муҳим ва истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга қилишиб олинди.

Х. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Янгилиниш ва нафосат жозибаси

Йўлнинг гоҳ илон изига ўхшаб ўрмалашга, гоҳ баландликдан пастлик томон кескин тушишига ёки айрича осмон қадар ҳаволашга ўрганиш айна мушкул. Қувонарлиси, гузал тоғ манзараларига мафтун бўлган йўловчи бу мушкулликларни сезмай ҳам қолади.

Тоғ-ёнбағирларидаги сабзазанг майсазорлар, асрларга соқиллик қўлаётган марғур арчау чинорлар, биллурдек сув жилдираётган булоқлари дарёлар ҳаётининг гоҳ илон изига ўхшаб ўрмалашга, гоҳ баландликдан пастлик томон кескин тушишига ёки айрича осмон қадар ҳаволашга ўрганиш айна мушкул. Қувонарлиси, гузал тоғ манзараларига мафтун бўлган йўловчи бу мушкулликларни сезмай ҳам қолади.

Тоғ-ёнбағирларидаги сабзазанг майсазорлар, асрларга соқиллик қўлаётган марғур арчау чинорлар, биллурдек сув жилдираётган булоқлари дарёлар ҳаётининг гоҳ илон изига ўхшаб ўрмалашга, гоҳ баландликдан пастлик томон кескин тушишига ёки айрича осмон қадар ҳаволашга ўрганиш айна мушкул. Қувонарлиси, гузал тоғ манзараларига мафтун бўлган йўловчи бу мушкулликларни сезмай ҳам қолади.

(Давоми 4-бетда).

Бутунжаҳон сув кўнига бағишланди

Дахлдор вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда республикамизда бу борада амалга оширилаётган ишлар ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари муҳокама этилди.

(Давоми 2-бетда).

Сирдарё

Гулистон шаҳрида «Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда юксак меҳнат натижаларига эришган, танловнинг шаҳар ва туман босқичларида голиб бўлган ўнлаб тadbirkor, фермер ва хунармандлар иштирок этди.

Маълумки, вилотда 4488 та кичик ва хусусий тadbirkorлик субъекти бўлиб, ўтган йилда уларнинг ялпи худудий махсулотдаги улуши 72,1 фоизни ташкил этди. Айни пайтда улар томонидан йил давомида 28

мингга яқин иш ўрни яратилди.

Танловда иштирокчиларнинг ана шу кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада Янгйер шаҳридаги «Мос-Янтёкс» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси раҳбари А. Ҳайдаров «Энг яхши тadbirkor», Гулистон туманидаги «Дилмурод» фермер хўжалиги раҳбари С. Жўраева «Энг яхши фермер» деб топилди. Гулистонлик хунарманд У. Шодмонқулов эса «Энг яхши хунарманд» сифатида эътироф этилди.

Энди улар «Ташаббус — 2009» нинг республика босқичида қатнашадилар.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Қишлоқ аҳолиси турмуш учун қулай шароитлар яратиш, улар фаровонлигини ошириш, энг аввало, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ислохотлар самараси билан узвий боғлиқдир. Зотан, Муқтаилликнинг илк йилларидаёқ қабул қилинган қонун ҳўжжатлари соҳанинг ташкилий-ҳўқуқий шакллари тубдан ўзгаришига замин яратди. Бунда ерни ҳақиқий эгасига топшириш, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш, ижара муносабатларини такомиллаштириш, ер-сўв захираларидан оқилона фойдаланиш асосий мақсад сифатида белгилади.

ИЗЧИЛ ҲўҚУҚИЙ ИСЛОХОТЛАР

қишлоқни ривожлантиришнинг асосий омилдир

Бу ўзгаришлар, табиийки, қишлоқ аҳолиси турмуш тарзини яхшилашга ижобий таъсир қилди. Албатта, бунда соҳанинг босқинча-босқин ислохотлар билан қамраб олинганлиги алоҳида таъкидлаш зарур.

Айтилган, 1991-1995 йилларни шартли равишда бошланғич босқин, деб аташ мумкин. Зеро, бу пайтда қишлоқ ҳўжалигининг барқарорлигини таъминлаш масалалари ҳал этилди ва унинг бозор иқтисодиётига ўтиш асослари яратилди. Шахсий томиркаларни кенгайтириш, сугориладиган ерларни шахсий ҳўжаликлар, бор-дала, ҳовли участкалари ақратиб бериш орқали аҳоли амалда ер билан таъминланди. Бу эса қишлоқда хўсусий тармоқнинг сезиларли даражада мустақамланганига олиб келди. Ушбу босқинда «Давлат тасаруфидан чиқариш ва хўсусийлаштириш тўғрисида», «Ижара тўғрисида», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида», «Сўв ва сўвдан фойдаланиш тўғрисида», «Кичик ва хўсусий тадбиркорликни ривожлантириш тартибига солиш тўғрисида», «Наслчилик тўғрисида»-ги қонунлар қабул қилинди. Мазкур норматив-ҳўқуқий ҳўжатлар ўша даврда мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ўзгаришларнинг энг муҳим бугини бўлиши қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ислохотларнинг самарали бажарилишида муҳим ҳўқуқий асос вазирасини ўтди.

1996-2000 йилларни ўз ичига олган иккинчи босқин ҳам қишлоқ таъриқиети ва фаровонлиги йўлида зарур иқтисодий-иқтисодий тадбирларни амалга оширишга долзарб аҳамият касб этди. Хўсуosan, мазкур даврда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ ҳўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида»-ги Фармони, Ер кодекси (1998 й.), «Уруғчилик тўғрисида», «Қишлоқ ҳўжалиги қорхоналарини санация қилиш тўғрисида», «Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширкат ҳўжалиги) тўғрисида», «Фермер ҳўжалиги тўғрисида», «Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»-ги Қонуннинг янги таърири, «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳўқуқий базаси тўғрисида», «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида», «Лизинг тўғрисида», «Қишлоқ ҳўжалик ўсимликларини зарарқундалар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоя қилиш тўғрисида»-ги қонунлар қабул қилинди ва илчиллик билан турмушимизга татбиқ этилди.

Ушбу ҳўжатлар асосида ерда оид муносабатларга янгича ёндашувлар қўлланила бошланди. Хўсуosan, ерлар қишлоқ ҳўжалиги кооперативларига (ширкат ҳўжаликларига) белгиланган мақсадда товар

шўлаб чиқариши учун эллик йилгача, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилиши йўлга қўйилди. Шу билан бирга, оилаларга (жамоаларга) қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини етиштириш учун оила (жамоа) пудрати шартномааси асосида вақтинча фойдаланишга ажратила бошланди.

Шунингдек, зарар кўриб ишловчи, иқтисодий ночор қишлоқ ҳўжалиги қорхоналарининг тўлов қобилиятини, иқтисодий қувватини тиклаш ва келгусида улар фаолиятига самарали бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида санация тизими жорий этилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур соҳага оид миллий қонунчиликда айрим давлатларникига қараганда муайян афзалликлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Хўсуosan, «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»-ги Қонуннинг 4-моддасига мўвофиқ, республикада фермер ҳўжалигининг бошлиғи шу ҳўжаликнинг муассиси ҳўсболанди.

Ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ ҳўжалигида тегишли малака ёки иш тажрибасига эга бўлган шахс фермер бўлиши мумкин.

Энг муҳими, бу даврда қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали

фойдаланиш учун қулай шўрти яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида Вазирилар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги қарори билан 2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ иқтисодий инфратузилмасини ривожлантириш Дастури тасдиқланди. Мазкур дастур орқали бир қанча йўналишларда, хўсуosan, қишлоқ врачлик пунктлари ва ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларига қорва молларни қўпайтириши рағбатлантириш, озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштириши қўпайтириш шўрти қишлоқ ҳўжалигини ислохотнинг бугунги босқинида асосий мезон бўлмақда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»-ги, 2004 йил 11 мартдаги «Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги, 2008 йил 20 октябрдаги «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштириши қўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармонлари амалга ошириладиган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига сифат жиҳатидан янгича тус берди, десак мўболага бўлмайди. Қолаверса, Юрбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 16 йиллигига бағишланган тантанали йилгилишда 2009 йилни мамлакатимизда «Қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йили»-деб эълон қилганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Зотан «Қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йили тўғрисида»-ги Давлат дастури қабул қилинганлиги бу борадаги ишларни янги поғонага кўтарди. Унда мамлакатимизнинг «Фермер ҳўжалиги тўғрисида», «Сўв ва сўвдан фойдаланиш тўғрисида»-ги, шунингдек, қишлоқ ва сўв ҳўжалигида ислохотлар чуқурлаштирилиши муносабати билан бир қатор қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Бу, ўз навбатида, қишлоқда аҳолига яратилган шароитларни янада мукамаллаштиришга имкон туғдиради.

Хўлоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йўлида амалга ошириладиган ҳўқуқий ислохотлар нафақат қишлоқларимиз, балки бутун мамлакатимизни янги, юксак марраларга олиб чиқишнинг асосий омилдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»-ги, 2004 йил 11 мартдаги «Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги, 2008 йил 20 октябрдаги «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштириши қўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармонлари амалга ошириладиган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига сифат жиҳатидан янгича тус берди, десак мўболага бўлмайди. Қолаверса, Юрбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 16 йиллигига бағишланган тантанали йилгилишда 2009 йилни мамлакатимизда «Қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йили»-деб эълон қилганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Зотан «Қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йили тўғрисида»-ги Давлат дастури қабул қилинганлиги бу борадаги ишларни янги поғонага кўтарди. Унда мамлакатимизнинг «Фермер ҳўжалиги тўғрисида», «Сўв ва сўвдан фойдаланиш тўғрисида»-ги, шунингдек, қишлоқ ва сўв ҳўжалигида ислохотлар чуқурлаштирилиши муносабати билан бир қатор қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Бу, ўз навбатида, қишлоқда аҳолига яратилган шароитларни янада мукамаллаштиришга имкон туғдиради.

Хўлоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йўлида амалга ошириладиган ҳўқуқий ислохотлар нафақат қишлоқларимиз, балки бутун мамлакатимизни янги, юксак марраларга олиб чиқишнинг асосий омилдир.

Нуриддин НАРМАТОВ,
юрдик фанлари номзоди.

Энергетика ютуқлари намойиши



(Давоми. Боши 1-бетда).

электр усқуналари ва жиҳозлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Натижада уларнинг импортга ҳўжат қолмайти, Бунки кўча поштахўтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида очилган «Uzbekistan Energyweek – 2009» 4-Халқаро иқтисослашган энергетика кўргазмаси мисолида яққол кўриш мумкин.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда энергетика тармоғи жадал ривожланаётганини, бунда давлатимиз томонидан тизимга қаратилаётган алоҳида эътибор ва халқаро ҳамкорлик алоқалари қучайиб бораётгани муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, юртимизда яратилган қулай инвестиция муҳит натижасида чет эллик ҳамкорлар билан савдо-иқтисодий алоқалар торабора мустаҳкамланмоқда. Энг муҳими, мамлакатимизда иссиқлик электр станцияларидан ташқари, гидроэлектрстанциялар фаолияти кенгайтирилишти, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланилаштиришти. Бу электр энергияси ишлаб чиқариш ҳаҳмининг йил сайин ошишига хизмат қилапти.

Кўргазмада Россия, Украина, Хитой, Германия давлатлари компаниялари билан бир қаторда юртимизда фабрика яратилган ўнлаб қорхоналар ўз маҳсулотларини ва хизматларини тақлиф этмоқда. Турли хил электр машиналари ва бутловчи қисмлар, паст ва қўқори вольтли усқуналар, кабель ва ўтказгичлар, электрон қорхоналар воситалари ва изолляторлар шулар жумласидандир.

Қорхонаимизда турли электр жиҳозлари, усқуналар, хўсуosan, электротехник лабораториялар ишлаб чиқарилади, – дейди Украинанинг «Харьковэнергопробир» заводи маркетинг бўлими бошлиғи Сергей Бачаров. – Маҳсулотларимизнинг асосий қисмини Россия, Молдова, Қозғистон сингари ўнлаб давлатларга экспорт қила-

миз. Кейинги йилларда уларга Ўзбекистон ҳам қўшилиди. Аҳанавай ўтказиб келинаётган бу кўргазма ҳамкорлигини янада кенгайтириб, янги босқинга кўтаришига хизмат қилиши, шўбасиз.

Ташкилотчиларнинг айтишича, бу галги кўргазма қўлимиз ва географияси жиҳатидан анча кенгайган. Шу боис маҳсулотлар учун йўналиш ва ўндан ортққ бўлимлар орқали тақдим этилапти. Бу иштирокчиларга кўргазмага қўйилган мўсолага ва технологиялар, инновация лойиҳалар ва ишланмалар билан яқиндан танишиш имконини бермоқда.

Кўргазма майдонининг «Mir Solar» қорхонасига ажратилган қисми, айниқса, одамлар билан гавқум.

– Биз мўқобил электр усқуналарини тақлиф қилаймиз, – дейди «Mir Solar» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Акрот Мирзабоев. – Улар кўёш энергиясидан қувват олиб, электр энергияси ҳосил қилади. Масалан, мана бу фотоэлектрстанция битта оила учун мўлжалланган бўлиб, учта хона чиқорлари ва битта телевизорни электр энергияси билан таъминлайди. Буниси эса, қуёш 500 литр сувни иситиб беради. Юртимизда йилнинг 300 кунки қуёшли бўлишини ҳисобга олсақ, бу усқуналардан йил давомида тўлиқ фойдаланиш имконияти мавжудлиги аён бўлади. Иланишларимизни давом эттириб, айни пайтда, шамолдан энергия олувчи янги усқунани яратдик. Уни ҳам намойиш этаймиз. Биз мосламаларни бюртмачилар талабидан келиб чиққан ҳолда, турли ўлчамда ҳам тайёрлаб берамиз.

Кўргазма ишлаб чиқаруви ва харидорлар ўртасида қўприк бўлиб қолмасдан, балки соҳа мутахассисларининг тажриба алмашиши, малака оширишига хизмат қилаётгани унга қизиқини янада қучайтирмоқда.

Халқаро кўргазма уч кун фаолият кўрсатади.

Сайд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири,
Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сўв ҳўжалиги вазирилик вакилларида иборат делегация 2008 йил 1-4 сентябрь кунлари Франциянинг Монпелье шаҳрида ўтказилган 13-Бутунжаҳон сўв конгрессида иштирок этган эди. Анжуман яқунда қабул қилинган

Бутунжаҳон сўв кўнига бағишланди

резюлюцияда Марказий Осиёдаги олти давлат томонидан трансгегаравий сўв ресурсларини бошқаришнинг янада стратегияси ишлаб чиқилиши зарурлиги қайд этилиб, мамлакатимизда мазкур йўналишда мукамал тизим яратилгани ўз самарасини бераётгани таъкидланган эди.

Дарҳақиқат, Президентимиз имзолаган 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармон асосида «Ўземелио-машлининг» давлат лизинг компаниясининг тузилиши, мелiorация ва бошқа сўв ҳўжалиги ишларини бажаришга иштирослаштирилган давлат унитар қорхоналарининг ташкил этилиши туфайли ўтган даврда республикамиз бўйича 228,3 минг гектар ернинг мелiorатив ҳолати яхшиланди. Жорий йилда эса айни мақсад учун 130 минг гектар сўв маблағ ажратилиши белгиланган. Бунинг натижасида яна 243,3 минг гектар майдоннинг унумдорлиги оширилди.

Анжуманда, шунингдек, экинларни сугориш жараёнида тежамкор усқуналарни қўллаш, замонавий техника ва технологиялардан оқилона фойдаланиш қатта аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратилди.

Дилшод УЛУМУРОВОВ.

Бахтли ёшлар даргоҳи



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Бу ерда мамлакатимиз темир йул тизimini учун 10 йўналишда мутахассислар тайёрланади, – дейди биринчи тоифали ўқитувчи, гуруҳ раҳбари Санобар Шоқирова. – Айтиш лозимки, коллежда педагогларга ҳам барча шарт-шароитлар яратилган. Аҳборот-ресурс марказлари, махсус лабораториялар ўқув жиҳозлари билан мукамал таъминланган, очиги, ҳозир шундай ажойиб даргоҳда ўқитувчилик қилиш бизга гурур баянлашди.

– Бобом бундай катта ва кўркем бинода, темирйўлчиларнинг чиройли кийимини кийиб, мамнуният билан ўқининг кадрига етиш кераклигини қайта-қайта тақдорлайдилар, – дейди ҳажонланиб биринчи босқин ўқувчиси Сирожиддин Ирисбоев. – Мен, албатта, бунинг кадрига етман, аъло ўқийман. Насиб қилса, касбу коримнинг устаси бўламан.

Ёшлар кўзидаги қувонч, қалбидаги ишонч, юрагида тўлқинланаётган гурур ва миннатдорчилик туйғусини

ҳис этиш энг улўв саодатлардан биридир. Бинобарин, ҳозирги ёшлар эртанги кунимизнинг соҳиб давлатлари, бунёдкорлари, нияти пок, қўли гул хўнармандларидир.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур коллежни «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ўз маблағлари ҳисобидан барпо этди. Компания тасаруфидидаги «Ўзтемирйўлқурилишмонтаж» унитар қорхонаси бош пудрати сифатида асосий қурилиш ишларини бажариди. Шунингдек, 1-сонли электромонтаж поезди, «Эмаст» қорхонаси, Қуёв механика заводи ишчилари ҳам қурилишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшидилар.

Хўлоса, қўни кеча бўлажак темирйўлчилар коллежнинг янги биноси ҳовлисини шодон қийдирилди, гулдўрос қарсақлари билан ларзага солишти. Ёшлар қалбидан отилиб чиқаётган оташин садо ҳар биримизнинг юрагимизда акс-садо берди десак, асло мўболага бўлмайди.

Абдували ҚУТБИДИНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Юқори даромадли иш тақлифи қимга хўш ёқмайди?! Тез ва осон бой бўлиш имконини қўзғаб, беш-олти йил ишлаб кам деганда миллионер ёки миллиардер бўлишингиз мумкинлигини нафақат башорат қилиб, балки қафолатлаб туришган бўлса...

Ҳа, хўсусий нашрлар саҳифаларида, симёғоч автобекатларда «Юқори даромадли иш», «Тез ва осон бой бўлиш истайсизми?», «Шахсий бизнес» қабилидаги мавжун эълонларга кўзингиз тушган-дир? Дастлаб эълонда кўрсатилган телефон рақамига кўнгириқ қилиб қўринг. Бирок бундай вазиятда ҳарчанд уринманг, «иш берувчи»дан қандай иш қилишингиз хаҳида тайинли жавоб ололмайсиз. Аксинча, у сизни «офис»га ёки қорик манзилга тақлиф қилади. Шундан сўнг ушбу тақлифга ён берсангиз, қиосангиз пулга тўлмас, қўйингиз пўч ёнгоққа тўлар.

Дарҳақиқат, замондошларимиз бугун иштирос қашфётилар яратиш борасида анча илғорлаб кетишгани маълум. Масалан, айни даврда бепул реклама асосида шўддат билан ўз истеъмолчилари бозорини ташкил этиш имконини берувчи бизнес тури мавжудки, бу «Тармоқли тижорат», «Шахсий бизнес», «Сетли маркетинг» каби истилоҳлар билан аталмоқда. Асосан, Фарб мамлакатлари орқали кириб келган ушбу тижорат тури кейинги ўн йилликда МДҚ мамлакатлари ҳудудида ҳам чўқур илди эрди, ўз навбатида баъзи инсонларнинг ишончини қозониб, айримларининг эса ҳафсаласини пир қилишга ҳам улғурди.

Бепул реклама

Тижоратнинг бу тури билан шўғullanувчилар учун энг муҳим ўмуш маҳсулотни сотиш эмас, балки миқозлар тўплаш. Яъни бирор қорик компанияси (тармоқли тижорат билан шўғullanувчи) сизга қисқа вақтда бойиш имконини берувчи иш тақлиф қилади. Бунинг учун дастлаб маълум миқдордаги пул бадали эвазига компанияга аъзо бўлишингиз, сўнг унинг маҳсулотларидан (масалан, 200-300 АҚШ доллар миқдорда) хорик қилишингиз талаб этилади. Бир қарашда, зиммангизда навбатдаги вазифалар ҳам ниҳоятда жўн. Яъни компанияга миқозлар жалб этиш. Уларнинг салмоғи қанча кўп бўлса, шўнча яқини. Бу орқали компанияга ҳам, қисман сиз ва сизни ушбу ишга тақлиф қилганларга ҳам улўш келиб туради.

Тасаввур қилинг: дўқона кирдингиз, бир турдаги маҳсулотнинг турфа номдаги, турфа шаклдаги, турфа нарҳадаси бор. Хўш, қайси бирини харид қиласиз? Албатта, сифатли ва арзонини-да! Арзонлигини-ку аниқлаш мўшқул бўлмас, бирок истеъмол қилмай туриб сифатини қандай аниқлаш мумкин? «Тармоқли тижорат»нинг тарбиятчилари ва амалиётчилари, шунингдек, худди шу усудда маҳсулотини харидорларга етказётган компаниялар раҳбару мутасаддилари бу борада анча уддуборон эканликлари аниқ. Аҳир бирор компанияга миқоз бўлиб, сўнгра ўша маҳсулотларга миқоз жалб қилишни истаган оқил киши, аввало, қимлар орасидан миқозлар қидиради? Албатта, яқинлари, танишлар орасидан. Негаки, яқинлар бир-бирларига ишонди-лар, бир-бирларини адамайди-

лар. Натижада танишлар танишларини, улар ҳам, ўз навбатида, танишларини миқоз бўлишга чакирдилар. Қарабсизки, бир-бирига мустаҳкам ҳалқаланган танишлар бозори вужудга келди ва бу бозор кун сайин, соат сайин кенгайиб бераверди.

Ишламаган тишлайдими?

Бугун замондошларимиз анойи эмас: ҳар қандай янгиликка лаққа ишонавермайдилар. Тармоқли тижорат тарбиятчилари бунинг ҳам ҳисобини олишган. Улар миқозларини «қармоққа инлитриш»да белгилаган «схема»га амал қилдилар. Яъни тармоқчилар катта даромад илнингизда қандай иш қилишга савол излаб келган миқозларга дастлаб савол билан мурожаат қилишади: «Ҳозир қандай иш билан машғулсиз?», «Олаётган маошингиз ёки талаётган даромаднинг қанча?», «Бу харажатларингиз учун етарлими?», «Шу тарзда, айтилмай, ўш иш ишласангиз, орттирган пулингиздан нималар харид қила оласиз ва бу сизни қониқтиради?»...

Орузга айб йўқ, албатта. Бирок қим қиссасига, яъни топиш-тушининг салмоғига қараб орузсини чегаралайди? Данигилма ҳовлижай, ян-янг машина олсам, дея ният қилган инсоннинг «Бу орузларим рўёбига 20-30 йилдан сўнг эришсам ҳам майли», деганини эшитганмисиз?!

Демак, қанча кўп моддий бойлик ортирмай, бу ширин оруз-

ларингизнинг ушалиши учун етарли эмас. Қандай бўлмасин, ўз саволларини кенгайтириш мақсад қилган ишбилармонлар учун айнан шундай мазмундаги жавоблар келар. Шундан сўнг савол-жавоб яна давом этади:

«Сиз бир қорхона ходими экан-

нес тури тарбиятога доир адабиётлар ҳам тўлалигича ана шу шароит, муҳитга мос. Бирок бугун шундай мазмундаги излаб адабиётлар юртимизга ҳам кириб келган. Ҳатто ўзбек тилига ўтирилиб, на чоп этилган нашриёти, на саноаси, на мутаржим маълум қилин-

май, компания миқозларини бўлиш орузи замирида ўш учун қандай мақсадни устувор қўлиди? Қасби, фаолияти орқали одамларга, давлат ва жамиятга наф қилишини ёқд қатта даромад топишини? Хўш, танбаллик, бел орғимай пул топиш тарбиясига келажакимиз учун қанчалар хатарсиз?

Айни пайтда тармоқли тижорат асосида иш олиб бораётган қорпорацияларнинг юртимизнинг турли шаҳар, туман марказларида шўбхобларини очилган. Улардан аксарияти, ҳатто тегишли расмий рўйхатда ўтмай иш юритаётти. Энг ёмони, бу ерда маҳсулот сотилмайпти, аксинча давр ўтлашти, тарғиб оқиб бўрилатти. Хўш, бу маҳсулот тарбиятоғи наф, бўйлик хирс қўйишни қораловчи, бойлик, инсонийлик туйғуларни устуворлигини ташвиқ қилувчи шарқона қарашларга асосланганлиги ёки юқоридаги қабил ёт юлғарими?

Албатта, ҳар бир соҳанинг моҳир одамлари бўлади. Қимдир новвойликни, қимдир сотувчиликни ва яна қимдир дурадорликни қўйилтади. Шу маънода тармоқли тижорат ортидан омади қопиб, бири икки бўлган ишбилармонлар ҳам бор. Қолаверса, мухозаа ҳам эмас. Зеро, бозор рақобати асосланган экан, бу борада илғорлик қилганларнинг омадини берсин! Фақат шўни истардикки, рақобат ёт голлар тарбиятоғи, ҳар қандай йўл билан одамларни ишонтариш эвазига эмас, ҳалолликка асосланган лозим. Зеро, ишонтал рақобат тарақиётга хизмат қилмаслиги, табиий.

Фаррух БҮТАЕВ.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ҳарбий тизимда қисқартириш

Тайван 2014 йилга қадар ҳарбий кучлари сонини 20 фоизга қисқартиришни режалаштирмоқда.

Бу ҳақда "China Daily" нашри хабар тарқатди. Унга кўра, ҳарбий хизматчилар сони 275 мингдан 215 минггача камайтирилади. Ўз навбатида, ҳарбий тизимга ажратилаётган маблағ миқдори ҳам маълум миқдорда қисқартирилади.

Товуқсимон динозаврлар

Канадалик олимлар Шимолий Америка худудларидан кичик динозаврлар қолдиқларини топиди, дейилади "Reuters" ахборот агентлиги хабарида.

"Hesperonychus" деб номланган ушбу жониворлар икки оёқли бўлгани, танаси пат билан қоплангани, катталиги эса худди товуқлардек экани маълум бўлди. Оғирлиги икки килограммдан ошмайди. Тадқиқотчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, динозаврларнинг бу мити турлари бундан 75 миллион йил муқаддам яшаган.

Қароқчиларга қарши курашишга бағишланди

Миср Ташқи ишлар вазирлиги маълумотларига қараганда, Қоҳирада қароқчиликка қарши курашиш бўйича халқаро алоқа гуруҳининг учрашуви ташкил этилди.

Унда 28 давлат ҳамда бир қатор халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этган. Тадбирда асосий эътибор Сомали қирғоқларидаги қароқчилар ҳаракатига қаратилган ва уларга қарши курашиш бўйича ўзаро фикр алмашилган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мамлакатларнинг ушбу масала юзасидан тўланишлари беҳиз эмас. Чунки сўнгги вақтларда Сомали қирғоқларида қароқчилар томонидан кемаларга ҳужум қилиш ҳолати кўпайиб кетган. Масалан, биргина 2008 йилда мазкур худудда жиноятчилар томонидан 120 та босқинчилик амалга оширилган. Улар бу қабилхиллари орқали 150 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ топишган.

Банк тунаб кетилди

Грециянинг Салоники шаҳридаги мамлакат Марказий банки бўлими тунаб кетилди.

Гувоҳларнинг сўзига кўра, уч нафар никобли курулланган шахс бинога бостириб кирган ва пулларни олиб қочиш кетган. Мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари банкдан 120 минг евро миқдорда пул олиб кетилганини маълум қилдилар.

Жиноятчиларни қидириш ишлари давом этмоқда.

Рекорд бекор қилинадими?

Швециялик сузувчи Тереза Алшмар Австралияда ўтаётган мусобақада эллик метр масофага баттерфлай усулида сузиш бўйича янги жаҳон рекордини ўрнатди.

У ушбу масофани 25,44 сонияда босиб ўтди ва 2007 йилдаги кўрсаткични 0,02 сонияга ўзгартирди. Аммо Терезанинг бу хурсандчилиги узоққа чўзилмайдиган кўринади. Чунки спортчи беллашуларда иккита чўмилиш кийими билан иштирок этган. Мусобақаларда бу ҳолда қатнашиш эса шу йилнинг март ойидан таъкидлаб қўйилган.

Ташкилотчилар яқин кунлар ичида ушбу масала юзасидан яқини хулоса маълум қилинишини айтмоқдалар.

Оролдаги портлаш

Филиппин жанубида жойлашган Жили оролида портлаш содир этилди.

Маҳаллий матбуот хабарларида келтирилишича, мазкур хунрезлик номаълум шахснинг ресторанлардан бирига граната улоқтириши орқали амалга оширилган. Натижада икки киши воқеа жойида ҳалок бўлган, уч киши турли даражада тан жароҳати олган.

Сайяф жиноий гуруҳи ўз зиммасига олгани айтилмоқда.

Қўпуровчиликни "Абу-Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди."

Айни пайтда дунёнинг аксарият давлатлари жаҳонда кузатилаётган иқтисодий инқироздан қаттиқ азият чекмоқда. Йирик компаниялар даромад ҳажмининг кескин камайиб кетгани боис ортқича харажатларга чек қўйишга ҳаракат қилмоқда, хусусан, минглаб ходимлари билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинаётди. Юзага келган танг вазиятдан чиқа олмайётган нуфузли корпорациялар эса ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлаётди. Натижада дунё бўйича ишсизлар сони кескин ошиб, аҳолининг ижтимоий аҳволи ёмонлашмоқда.

Жумладан, жорий йил бошига келиб АҚШда ишсизлик даражаси 7,6 фоизни ташкил этди. Вахоланки, ўтган йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 4,9 фоиз эди. Европада бу борадаги аҳвол 8,2 фоиз. Нафақат Осиё минтақасида, балки бутун дунё микёсида иқтисодий жиҳатдан кудратли давлатлардан бири саналган Японияга ҳам инқироз ўз ҳукмини ўтказмоқда. Ҳозирга келиб кунчиқар юрда ишсизлик даражаси 8,2 фоизга етди. Шундоқ ҳам қурғоқчиликдан азият чекаётган Африка мамлакатларида иқтисодий танглик янада кучайди. Яъни қитъада қашшоқлик рекорд даражада ўсмоқда.

Халқаро экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, агар вазият шу зайдда давом этса, дунё бўйича ишсизлар сони яна 30 миллионга ошади ва умумий ҳисобда 230 миллион кишига етади. Бу сайёрамизда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 6,5 фоизи ўз имкониятидан фойдалана олмайди деганидир.

Дунёнинг манаман деган кудратли давлатлари ҳукуматлари ва халқаро молия ташкилотлари томонидан вазиятдан чиқишга қаратилган лойиҳалар ҳам етарли самара бермаяпти. Шу боис жаҳондаги аксарият халқаро молиявий рейтинг агентликлари ва уюшмалар ташвишли башоратларни эълон қилмоқда. Жумладан, Халқаро валюта жамғармаси 2009 йилда ҳам дунё иқтисодиётида салбий жараён давом этишини билдирди. Бу тахминга Жаҳон банки ҳам қўшилди. Жорий йилнинг март ойи бошида мазкур молия муассасаси халқаро микёсда иқтисодий аҳвол қандай бўлиши ҳақида ўз қарашларини илгари сурди.

Унга кўра, дунёда ташқи савдо айланмасида охириги 80 йил давомидаги энг паст кўрсаткич кузатилади. Саноат маҳсулотини ишлаб чи-

қариш ҳажми эса 2008 йилдагига қараганда 15 фоизга қисқариши мумкин.

Шунингдек, Жаҳон банки ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори ҳам кескин камайишини маълум қилмоқда. Аммо бу борада анёқ рақамлар келтирилмаган. Фақат шуниси аёнки, сайёрамиз

борада вазият янада мураккаблашиши мумкин. Хусусан, манбаларда келтирилишича, Европа Комиссияси қитъада ялпи ички маҳсулот ҳажми 2009 йилда атиги 0,1 фоизга ошшини башорат қилган. Европа марказий банки эса бу кўрсаткич минтақада 2,2 фоиздан 3,2 фоизгача қисқаришини айтмоқда.

собиқ маслаҳатчиси Эд Боллзнинг фикрича, жаҳон иқтисодиёти сўнгги юз йилда кузатилмаган бўҳрон кўршовида қолган. Бунинг асоратлари яна ўн беш йил дунё мамлакатлари ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Англия банки вакили Чарли Бин наздида, инсоният шу вақтгача бундай иқтисодий таназзулга дуч келмаганди.

Глобал молиявий инқирознинг кўлами ва оқибатларини ҳеч бир ташкилот аниқ ҳисоблай олмайётган бир пайтда мамлакатимизда аҳвол қандай? Хўш, Ўзбекистон ҳукумати глобал молиявий бўҳрондан қандай ҳимояланмоқда?

Халқаро экспертларнинг маълум

лият тизими яратилганини ҳам алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг бир қатор тижорат банкларига айланган иқтисодий инқироз кузатиладиган 2008 йилда нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан юқори баҳо берилгани бунинг ёрқин далилидир. Бу Ўзбекистоннинг иқтисодиёт, қолаверса, молия соҳасида узокни кўзлаб юриётган сиёсати амалда ўзининг ижобий натижасини бераётганини кўрсатади.

Президентимизнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аяқларини ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, ўтган йилги юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни, саноатда 12,7 фоизни, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17,7 фоизни ташкил этди. Хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди. 2008 йил мобайнида 661 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Бу кўрсаткичлар жаҳоннинг бир қатор ахборот агентликлари томонидан ҳам кенг эътироф этилди. Жумладан, Буюк Британиянинг "Рейтер" ахборот агентлиги "Ўзбекистон иқтисодиёти 2008 йилда 9 фоизга ўсди" сарлавҳали мақолага охирида қилиб, юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ривожланишларга ижобий баҳо берди. Эътиборлиси, ушбу мақола нуфузли молиявий-иқтисодий тизимнинг муҳим ютуқларидан бири янги иш ўринларини яратиш билан боғлиқдир, дея изоҳлайди фахрий консул. Шунингдек, у республикамизда ишончли банк-мо-

Таъкидлаш жоизки, дунё иқтисодиётида кузатилаётган глобал молиявий таназзул даврида бундай натижага эришиш чиндан ҳам барнамани учун чексиз ифтихор бағишлайди. Мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилинди. Жорий йилда давлатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ана шу дастурда кўзда тутилган режалар ва аниқ мақсадлар асосида амалга оширилаяпти. Ишончимиз комилки, мана шундай оқилона сиёсат туфайли тинч ва осуда юртимизда халқимизнинг турмуш даражаси бундан-да яхшиланади, иқтисодиётимиз янада раванк топади.

Фозилдин АБИЛОВ.

Молиявий инқироз: ҲАРАКАТ БОР, НАТИЖА-ЧИ?

АҚШда ҳам вазият кўнгилдагидек эмас. Расмий маълумотларда ЯИМ ишлаб чиқариш 0,5-1,3 фоиз атрофида пасайиши тахмин қилинмоқда. Мамлакат Федерал захира тизими раҳбари Бен Бернанке

Таҳлил ва таққос

мамлакат иқтисодиёти тўлиқ "қаддини тиклаб" олишига қамда уч йил вақт керак бўлишини таъкидлаган.

Жорий йил февраль ойи охирида Россия иқтисодий тараққиёт вазирлиги мамлакат иқтисодиёти фақатгина нефть нархининг кўтарилиши эвазига яхшилангани мумкинлигини маълум қилди. Яъни агар бир баррель "қора олтин"нинг баҳоси 50 АҚШ долларидан кам бўлмаса, мазкур мамлакат учун ижобий кўрсаткич ҳисобланаркан. Мабодо нефть нархи 41 АҚШ долларига тушиб кетгудек бўлса, иқтисодиётнинг ўсиш суръати 2,2 фоизга қисқариши мумкин.

Буюк Британия бош вазирининг иқтисодий масалалар бўйича

қилишича, Ўзбекистон дунёда молиявий инқирознинг салбий таъсири у қадар сезилмаётган саноқли давлатлардан биридир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Осака шаҳридаги фахрий консули Тошио Тоуранинг айтишича, жаҳон молиявий инқирозига қарамадан, Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг жадал суръатини намойиш этмоқда ва бу ҳолат хозирги кунда қамдан-қам мамлакатларда кузатилаётган. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим ютуқларидан бири янги иш ўринларини яратиш билан боғлиқдир, дея изоҳлайди фахрий консул. Шунингдек, у республикамизда ишончли банк-мо-

НОВЫЙ NISSAN X-TRAIL



Товар сертифицирован

X-TRAIL
Надежный, мощный, технологичный новый Nissan X-TRAIL – Ваш пропуск в мир независимых технологий.

SHIFT capabilities

СПЕЦИАЛЬНОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ
от официального дистрибьютора Nissan в Узбекистане – компании Premium Auto. ☎ 295 88 77
Цена от \$ 51 000, гарантия – 2 года, или 50 000 км пробег + ОСАГО в ПОДАРОК

Товар сертифицирован

INTEGRAL ASIA Официальный дистрибьютор на территории Республики Узбекистан

DELL

... от карманных компьютеров до серверов...

3 Технологии, обеспечивающие уверенность

года полной гарантии!!!

Тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28. Факс 120-30-26.

Газ угуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» КК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон худудидagi расмий вакили куйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортик.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш – йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчачиглари.

Ўлчаш диапазонлари:

- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш – йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштаб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал – Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

SONATA Ўз йўлингни танла!



КАФОЛАТ – 2 ЙИЛ. МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner

Tel. 250-11-11

«ХАЛҚ СЎЗИ»

ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

233-10-60
236-09-25
232-10-63

242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти Поп туман судининг раиси **Баҳром БОТИРОВНИНГ** вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардик билдиради.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти ва тармоқ қасаба уюшмасининг Марказий Кенгаши «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси раисининг биринчи ўринбосари Акрамжон Абдуллаевга акаси **Мирзахалол АБДУЛЛАЕВНИНГ** вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси ижодий жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли кинооператор, Ўзбекистон Киноарбоблари уюшмаси раисининг ўринбосари **Турди НодировНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ихор этади.

Республика шопининч тиббий ёрдам илмий маркази жамоаси клиник лаборатория мудираси Феруза Юсуповга отаси **Саидмурод СУЛТОНОВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихор қилади.

